

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК – БОШ МЕЗОН

Юқори Чирчиқ туманидаги инъекция дори воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Uzgermed Pharm" Германия – Ўзбекистон қўшма корхонаси бугун мамлакатимиз фармацевтика корхоналари орасида етакчилардан биридир.

Маҳаллийлаштириш




Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада жабон талаблар асосидаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришда, Фуқаролар саломатлигини таъминлашда дори воситаларининг ўрни

бекиёс, – дейди корхона раҳбари Абдурахмон Назаров. – Шу сабабдан, ҳаммиша юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қиламиз. Бугунги кунда маҳсулотларимиз нафақат ички, балки, таш-

қи бозорда ҳам харидор-гир бўлиб бормоқда. 300 нафар юқори малакали мутахассис меҳнат қилаётган корхона МДХ давлатлари дорисунос-фармацевтлари билан мустаҳкам ҳамкор-

лик алоқаларини йўлга қўйган. Корхона маҳсулотлари Россия, Испания, Германия ва БААда бўлиб ўтган бир қатор халқаро кўргазмаларда мутахассислар эътирофига сазовор бўлган.



Муассасада алборегин, гепарин, винпоцетин, преднизолон, кетопрофен, сульфоксамфоксин, дротаверин каби 20 дан зиёд номдаги дори воситалари ишлаб чиқарилади. Эътиборлиси, қон айланишини яхшилаш ва иммунитетни мустаҳкамлашга ёрдам берувчи мазкур дори воситалари МДХ давлатлари орасида фақатгина Ўзбекистонда ишлаб чиқарилади.

Бугунги кунда мамлакатимиз ахлини сифатли дори воситалари билан таъминлашга давлат аҳамияти даражасида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ишлаб чиқилган чора-тадбирлар импорт ўрнини қоплаш, экспортни ривожлантириш, фармацевтика бозорида нархнаво мутаносиблигини таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришнинг омил бўлаётди.

Фарҳод ТОЛИПОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Мансур ҲИММАТОВ
олган суратлар.

Таълим

Пискент туманидаги 6 та мактаб "Замонавий таълим муассасалари ва методист-ўқитувчи мактабларини ташкил этиш масалалари"га бағишланган ўқув-амалий семинарига мезбонлик қилди. Унда шахар ва туманлардан соҳа мутахассислари, мактаб раҳбарлари ҳамда ўқитувчилар қатнашишди. Шу кунни инглиз тили, тарих, география, технология, она тили ва адабиёт фанлари бўйича 2 соатлик очик дарслар ташкил этилди. Тақдиротлар намойиш этилиб, ўқув семинарга таширф буюрганларга методик тавсиялар тарқатилди.

МУАММОНИ БАРАЛЛА АЙТА ОЛАСИЗМИ?

"Замонавий таълим муассасаси ва бугунги кун раҳбари қандай бўлиши керак?", деган ҳақли савол ўртага ташланганда даврада жонлиниш кузатилди. Савол теграсида ўринли фикр-мулоҳазалар айтилди. Мактаб раҳбарининг машаққатлари, заҳматлари, ютуқ ва камчиликлари муҳокама қилинди.

Бугунги кунда вилоятда 871 та мактаб бўлиб, 397 минг 710 нафар ўқувчи 27 мингдан зиёд ўқитувчи таълим бермоқда. Мазкур семинар таълим мазмуни, сифат ва самарадорлигини оширишга, мактаб раҳбарларининг савияси ва ўқитувчиларнинг малакасини кўтаришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Улар бир-бирлари билан ўзаро фикр алмашишди, малака ва тажриба борасида ўртоқлашишди.

Шуниси қувонарлики, айнан бу йил 5 нафар ўқитувчимиз республикада ўз фанлари бўйича "Йил ўқитувчиси", деган номга эришишди. Ангрен шаҳридаги 33-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Юлия

Сисоева улардан бири. – 8 йилдан бери ўқувчиларга инглиз тилидан дарс бераман, – дейди у. – Меҳнатларим юксак баҳолаганидан жуда ҳам хурсандман. Мени компьютер жамланмаси ва пул мукофоти билан тақдирлашди. Яқинда эса Буюк Британияга малака оширишга жўнаштимоқчи. У ерда 2 ҳафта бўламан. Дарс жараёнида ўқувчиларни тинчроқ сўзлашлари ва кўрсаткич олганларга эса, ёзги таътилда ўз устидасида ишлаш вазифини топиришган.

Вилоят халқ таълими бoshқармаси умумий ўрта таълим бўлими бош мутахассиси Вафокўл Хотамовнинг айтишича, бу йил вилоятдаги барча фан ўқитувчиларидан онлайн тарзида тест имтиҳонлари олинди. 70 фоиздан юқори жавоб берганлар билан келгуси йил учун меҳнат шартномалари тузилган. Ундан паст кўрсаткич олганларга эса, ёзги таътилда ўз устидасида ишлаш вазифини топиришган.

Давоми 2-бетда.

МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

Ўзбекистонда янги Мактабга таълим вазирлиги ташкил этилди. Бу таълим соҳасини янги босқичга кўтариши аниқ.

– Боғчага борган бола, бошқа болалардан ажралиб туради, – деди Чирчиқ шаҳридаги 21-умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси Ҳалима опа Мўминова. – У ўз сўзи, фикрига эга, мушоҳада қила оладиган бўлади. Бундай болалар билан ишлаш биз ўқитувчиларга анча енгиллик яратди.

Дарҳақиқат, мактабга таълим узлуқсиз таълимнинг биринчи бўлини бўлиб, у соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялаш, шу билан бирга ўғил-қизларни мактабга тайёрлашда алоҳида ўрин тутди. Шундай бўлса, тизим камчилиги ва нуқсонлардан ҳоли эмас эди.

Мактабга таълим вазирлигининг ташкил этилиши соҳанинг тубдан ислоҳ қилинишига замин яратди. Бинобарин, янги таълим вазирлиги-

нинг олдида бир қатор: мактабга таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, уни ҳаётга татбиқ этиш, ҳар бир таълим соҳасини ўрганиб, мактабга таълим ёшидаги болаларни интеллектуал салоҳиятга эга, гўзал эстетик ахлоқ соҳиб бўлиб вояга етишлари учун кенг шaroит яратиш каби низо-ятда муҳим вазифалар қўйилмоқда.

Шунингдек, барча болаларни босқичма-босқич мактабга таълим муассасаларига қамраб олиш, давлат ва нодавлат МТМга турли имтиёزلарни тақдим этиш, замонавий технологиялардан амалиётда кенг фойдаланиш, тарбия ва ўқув жараёнини инновацион методлар асосида олиб бориш, мактабга таълим муассасаларини ўқув методик, дидактик материаллар, бадий адаби-

ётлар билан таъминлаш ҳам вазирлик олдида турган муҳим масалалар. Бундан ташқари, педагог кадрлар, раҳбарларнинг малакасини ошириш, уларни касбга қайта тайёрлаш, тизимда фаолият юритаётган ходимларни моддий рағбатлантириш, соғлом овқатланиш дас-турини қайта қўриб, тарбияланувчиларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга олиб чиқиш ҳам янги вазирлик зиммасига юклатилди.

– Таълим-тарбиянинг пойдевори мактабга таълим муассасасида қўйилади, – дейди Янгийўл шаҳридаги 13-мактабга таълим муассасаси раҳбари Нигора Болтабоева. – Буни яхши англаган ота-она борки, фарзандини боғчага жойлагиси келади. Бизнинг муассасамиз 280 ўринга мўлжалланган. Худудда эса, 1 минг 200 га яқин 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар бор...

Энг муҳими, энди барча болалар боғчага борадилар. Улар илгор педагогик технологиялар, замонавий шакл ва услубда таълим-тарбия олиб, ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб вояга етадилар.

Ирода НОРОБОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.



Пайшанба – жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика кун

Тошкент вилояти ички ишлар бoshқармаси томонидан мунтазам ўтказилаётган профилактика тадбирлари жамоат тартибини сақлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда барча маҳалла ва ташкилотларда ўтказилаётган учрашувларда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда қонунбузарликка нисбатан мurosасиз муносабатни шакллантириш ва қонун устуворлигини қарор топтириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилаётган бўлса, фуқароларни алдаб фирибгарлик қилаётган шахслар ҳамон учрамоқда.

Қибрай туманида 2016 йил август ойида Сурхондарё вилоятида яшовчи аёл фирибгарлик йўли билан таниши, қибрайлик уй бекиси ишончига кириб "қонуний ҳужжатлар асосида 3 гектар ер олиб бераман", деб ундан 1 минг 600 АҚШ долларини олиб, шу кунга қадар қайтариб бермаган. Бўжа туманида яшовчи шахс қариндоши номидаги уйни шу туманда яшовчи фуқарога ўзи тайёрлаган сохта ҳужжатлар

билан 5 минг АҚШ долларига пуллаган. Янгийўл туманида яшовчи шахс туман газ идораси назоратчиси лавозимидаги фаолияти давомида маҳалла-ларда ишлатилган газ ҳақи учун фуқаролардан олган пуллари давлат ҳисобига ўтказмай, ўз эътиёжига ишлатиб юборган. Тумандаги "Эски қовунчи" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи пенсионерга: "Газ тўловидан тўпланиб қолган қарз-

ларингизни ёпиб бераман", дея ундан 800 минг сўм пул олган. – Ушбу ҳолатлар юзасидан қонунбузарлар ушланиб, ҳозирда ички ишлар ходимлари томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда, – дейди вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи М. Рашидов. – Айниқса, аҳолининг бу каби масалаларда тегишли ташкилотларга мурожаат қилмай, ўз билганича ҳаракат қилиши, ҳуқуқлари-дан тўғри фойдаланмаслиги

туфайли фирибгарлар тузоғига осон тушиб қолмоқда. Профилактика инспекторлари давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда жойларда аҳолининг қонунларни билиши ва ўрганишига алоҳида эътибор қаратмоқда. Юқоридаги каби жиноятлар қандай оқибатларга олиб келаётгани ҳаётий ми-со-лар орқали тушунтирилмоқда. **А. МУСАЕВ,**
ЎзА мухбири.

Худудий секторлар фаолиятидан

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги "Худудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Бекобод тумани солиқ инспекцияси бошлиғи раҳбарлик қилаётган 4-сектор тасарруфидаги "Сарюз", "Бежюз", "Фарҳод", "Бўстон" ва "Турон" маҳаллаларида кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

МУРОЖААТЛАРДАН КЎЗ ЮМИШ ЭМАС, ҳал этиш керак

Секторнинг ишчи гуруҳи аъзолари уйма-уй юриб, ҳар бир хонадонни изчил ва синчковлик билан ўрганишга эътибор қаратишди. Ўрганиш давомида аниқланган ҳолатлар таҳлил қилиниб, юзага келган муаммолар жойида ҳал этилаётди. Дикқатга сазовор томони шундаки, бу масалаларга ўша жойнинг ўзида ечим топилиб, зарур ҳолларда "Йўл харитаси"га кири-тиш учун туман даража-сида ҳал қилиш чоралари кўрилмоқда.

Сектор раҳбарининг сайёҳ-ҳаракатлари билан Зафар шаҳарчаси, "Бўстон" маҳалласи, Зебинисо кўчасида яшовчи фуқаро Хонимой Бўтибоевнинг хонадонига тоза ичимлик суви ва табиий газ тортиб берилган бўлса, "Турон" маҳалласи, "Яшнобод-2" кўчаси, 7-уйда яшовчи А. Ҳотамовнинг кредит ажратиш тўғрисидаги ҳужжатлари тўлиқ расмийлаштирилиб, банк муассасасига топширилди. Бундан ташқари, секторга бириктирилган худуддан беш нафар фуқарога паспорт олишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Ишчи гуруҳи аъзоларининг уйма-уй юриши натижаси ўларок, 14 та хонадон давлат кадастр хизмати орқали рўйхатга олиниб, қўшимча солиқ базаси яратилди. "Турон" маҳалласи ахлининг тақлифи билан худудда қишлоқ врачлик пунктини ташкил этиш масаласи "Йўл харитаси"га киритилган. Ана шу тарздаги ўрганишлар давомида 77 та муаммоли масаланинг 27 таси жойида ҳал этилиб, 35 таси туман даражасига, 13 таси вилоят даражасига олиб чиқилди.

– Қишлоқ инфратузилмасини тубдан яхшилаш мақсадида худудимиздаги маҳаллалар томонидан билан яқиндан танишиб чиқдик, – дейди сектор раҳбари Бекзод Шомирзаев. – Аҳолининг томонига ерларидан унумли фойдаланишини таъминлаш

мақсадида фаоллар билан учрашиб, суҳбатлашдик. Томорқа учун талаб этилаётган уруғлик, кўчат, минерал ўғитлар, кимёвий воситалар ҳамда зарур моддий-техника ресурсларини харид қилиш бўйича тижорат банклари билан шартномалар тузилишига эришилди. Худудимиздаги бешта маҳалланинг барчасида бирдек иш олиб борилгани туфайли аҳолининг хайрихоҳлиги ва қизиқиши янада ортди.

Дарҳақиқат, одамларни тадбиркорлик билан иш юритишга, ҳар қарич ердан унумли фойдаланишга одатлантириш бугунги кун талаби айланган. Зеро, сектор худудда истиқомат қилаётган 2 минг 442 та хонадоннинг, қолаверса, 12 минг 524 нафар аҳолининг истак-хоҳиши тизим фаолиятининг энг муҳим мезонидир.

Эътиборли ҳақати шундаки, худуд аҳолиси ўртасида тумандаги тижорат банклари томонидан тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётди. Ана шу сайёҳ-ҳаракатлар натижасида "Турон" маҳалласи бўйича 8 та хонадон лимон кўчати эккан бўлса, 26 та хонадон соҳибларига қорамол сотиб олиб, қорва билан шуғулланишлари учун 181 миллион сўмдан зиёд кредит имтиёзли кредитлар ажратилди. Шунингдек, "Авангард" худуди бўйича 24 та хонадон лимон кўчати эккан бўлса, 96 кишига қорамол учун 672 миллион сўмдан кўпроқ маблағ имтиёзли кредит сифатида берилди. Зафар шаҳарчаси "Бўстон" маҳалласи бўйича 180 хонадон эгаларига 1 миллион 260 миллион сўмлик банк сармояси кулай шартларда ажратилди.

Албатта, олиб борилаётган бундай сайёҳ-ҳаракатлар ишчи гуруҳи аъзолари томонидан доимий назоратга олинган. Одамларни рози қилиш йўлида амалий ишлар изчил давом эттириляпти.

Ашуралли БОЙМУРОДОВ.

«НЕЪМАТЖОН ОЛМАЛАРИ» ФАОЛИЯТИНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

Мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муносиб меҳнат шартлари яратиш, ҳуқуқий, иқтисодий билимини ошириш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётгани уларнинг тадбиркорлик соҳасидаги қобилиятини намойиш этишларида ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Қишлоқ мулкдорлари

Бундай саъй-ҳаракатларнинг амалий самарасини Янгийўл туманидаги Раънохон Бобоева раҳбарлик қилаётган «Неъматжон олмалари» кўп тармоқли фермер хўжалигида эришилаётган натижалар мисолида яққол кўриш мумкин.

Дастлаб, ўз фаолиятини маҳалладаги хотин-қизларга тикувчилик ва тўқувчиликни ўргатишдан бошлаган ишбилармон аёл ўз изланишларида давом этиб, фермерликка қўл урди. Аввал, қўнлар парваришини йўлга қўйди, иссиқхона ташкил этиб, эл дастурхонига сабзавот ва резаворлар ҳам етказиб бера бошлади. Сўнгра, беш ярим гектар майдонга яхши ният билан пакана навли олма кўчатларини ўтказди.



Бугун богда етиштирилаётган сара олмалар ҳам аҳоли дастурхонига тортиқ қилинмоқда. Бундай қўлмал ишларни амалга оширишда унга турмуш ўртоғи Фулом ака, ўғли Одилхон, келин ва қизлари Шахноза, Гулноза ва Гуласал, бир сўз билан айтганда, бутун оила аъзолари яқин-

дан ёрдам беришмоқда. Изланган, ҳаракат қилган қуруқ қолмайди, дейишади. Дарҳақиқат, Раънохон Бобоева ҳам ўтган йиллар ичида хорижий фермерларнинг тажрибалари билан кизиқиб, янги лойиҳалар устида ишлади. Шу тариқа, 2016 йилда 200 миллион сўм кредит

ҳисобидан замонавий ускуналар харид қилиб, гуручли бўтқа ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Очиғи, бошида маҳсулотимизга талабнинг қай даражада бўлиши мени ўйлантирди. Буни қарангки, миҳозларимиз янги маҳсулотимизга катта қизиқиш билдира бошладилар, — дейди Раънохон опа. — Бунинг ўзига хос сабаблари ҳам бор. Биринчидан, биз илоҳи борица маҳсулотини экологик жиҳатдан тоза бўлиши ва юқори сифатда тайёрланишига алоҳида эътибор қаратдик. Шунинг учун ҳам шифокорларимиз уни эмизлик болаларга ҳам қўшимча озуқа сифатида тавсия этишмоқда. Энг муҳими, корхонамизда ишлаб чиқарилаётган гуручли бўтқа хориждан келтирилаётган шу турдаги маҳсулотлардан анча арзон.

Махсус лабораторияларда ўтказилган тиббий хулосаларга кўра, корхонада ишлаб чиқарилаёт-

ган маҳсулот юқорида белгиланган барча талабларга тўлиқ жавоб беради. Шунинг учун корхонада ишлаб чиқарилаётган гуруч бўтқасига мамлакатимиздаги соғлиқни сақлаш ва таълим тизимига қарашли муассасалардан кўплаб талаб тушмоқда. Айни пайтда унга Англия, Қозоғистон, Афғонистон ва бошқа давлатларда ҳам катта қизиқиш билдирилмоқда.

Фермер ва тадбиркор Раъно Бобоева таъкидлаб ўтганидек, буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилишга, фермер хўжалиқларини ривожлантиришга қаратилган эътибор, тадбиркорларга яратиб берилган имтиёз ва имкониятлар самарасидир.

Юлдахон МУХИДИНОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.
Суратда: корхона фаолиятдан лавҳа.
Х. УБАЙДУЛЛАЕВ олган сурат.

КЕЛАЖАК — ЁШЛАРНИКИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг яқинда Америка Қўшма Штатларида ташрифи ва БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқи мамлакатимиз ва хорижий давлатлар экспортлари томонидан юқори баҳоланмоқда.

Муносабат

Бу бежиз эмас. Президентимизнинг нутқи замонавийнинг энг долзарб мавзуларини қамраб олгани билан аҳамиятли бўлди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни тақдир қилди, терроризм муаммосига катта эътибор қаратиб, унинг туб сабабларига барҳам беришга чакирди.

Президентимиз бу ҳақда ўз фикрларини баён этар экан, терроризмга қарши куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганини, халқаро терроризм ҳамда экстремизмнинг илдизини бошқа омилар билан бирга, жаҳолат ва муросасизлик ташкил этишини таъкидлади. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ҳамда тарбиялаш энг муҳим вазифа эканига ургу берди.

Бунинг тагида катта маъно бор. Нутқда таъкидланганидек, бугунги дунё ёшлари — сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидан энг йирик авлод бўлиб, улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Бинобарин, бугунги таҳликали замонда, терроризм хавфхатарлари кучаяётган бир шароитда гоётда катта куч бўлган ёш авлоднинг турли ёт гоғлар таъсиридан асраш, уларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, эъравонлик гоғси «вируси» тарқалишининг олдини олиш бизнинг асосий вазифамиздир.

Юртбошимиз тақдир қилган Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция бугунги шароитда дунё бўйлаб ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ҳамда амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳужжат сифатида хизмат қилади.

Элдор ТУЛЯКОВ, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси.

Бу эса, ўқитувчилар ўртасида рақобат муҳитини яратибгина қолмай, ўқитиш жараёнига янгиликлар киритишлари туртки бўлаётган экан. Лекин, афсуски, бугунги кунда виллоят мактабларида кадрлар етишмовчилиги ҳам йўқ эмас.

— Ҳозирги кун мактаб раҳбари фақат таълим ва тарбия билан чекланиб қолиши керак эмас, — дейди тумандаги 1-мактаб раҳбари Марҳабо Қурбонова. — Сабаби, у замон билан ҳамнафас ҳолатда давлат, жамият ишлари ва сиёсий жараёнларда ҳам муносиб қатнашиши керак бўлади. Бир қадам олдинда юрмоғи зарур. Айниқса, ҳоким ва бошқа юқори мансбдорлар олдида, ўз муаммолари ва тавсияларини кўрқмасдан, баралла айта оладиган журъатли бўлиши керак. Мен раҳбарликни бекатларида хурсандчилик бўлган машаққатли йўл, деб биламан.

← Бошланғич 1-бета.

МУАММОНИ БАРАЛЛА АЙТА ОЛАСИЗМИ?

Мазкур маскан 1939-1941 йилларда биринчи ўзбек мактаби сифатида очилган. Буни қарангки, 810 ўринга мўлжалланган мактабда ҳозир 1 минг 290 нафар ўқувчи таълим олмақда. Ўқувчи сонининг кўпчилиги қарамай, бу мактаб наму-

ЎҚУВЧИ ФОРМАСИ БИР ХИЛ БЎЛАДИ

Ўзбекистонда янги йилдан ягона ўқувчи формаси жорий этилади. Бу ҳақда Халқ таълими вазири Улугбек Иноят оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ўтган учрашувда маълум қилди.

Янгилик

— Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, мактаб формаси бир хилда бўлиши биринчи навбатда ўқувчилар ўр-

тасидаги тенгликни таъминлаш. Ўқувчи билан талаба кийими ҳам бир-бирдан фарқ қилиши керак. Форма борасида-

ги тақдиримизни ота-оналар яхши қабул қилдилар, — деди Улугбек Иноят.

Айтиш керакки, бугунгача республикада ўқувчи формалари жорий қилинган бўлиб, улар мактабларда турлича эди. Вазирнинг айтишича, айни вақтда дизайнерлар бу борада иш олиб бормоқда.

Кийимлар ота-оналар ва педагоглар муҳокамасига қўйилди.

Халқ таълими вазири матбуот хизмати маълумотига кўра, «Ўзбекенгилсаноат» АЖ мутахассислари томонидан миллий менталитетимизга мос ўқувчи формасининг 7-8 хили тайёрланмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Феруза ТҲРАЕВА.

Хирмонга барака

Йил бўйи бободехонларимизнинг шижоатли меҳнати туфайли Ўрта Чирчиқ туманининг Галаботиру ҳудудидаги деҳқон-фермер хўжалиқларида ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Айниқса, теримни ҳудудда биринчилардан бўлиб бошлаган «Хайдарқулов Улугбек» фермер хўжалиги пахтазорларида йигиртерим ишлари айна авжида.



ҲАМ ШИЖОАТ, ҲАМ ДАРОМАД

Қирқ центнерчилардан ҳисобланган фермер хўжалиги аъзолари бу йил 41 гектар майдонда ғўза парваришладилар. Қўсаги ҳосилдан, ҳосили эса қўсагидан мўл пахтазор бугун ҳақиқий меҳнат ва жасорат майдонига айланган. Бундай дейишимизнинг боиси, билагиде кучи, белида қуввати, қалбиде яратувчанлик иштиғи жўш

урган галаботириқларнинг кўпчилиги пахтазорда. Натижада, 15 нафар фермер хўжалиги аъзолари, 130 нафардан зиёд уюшмаган аҳоли кунига 5-6 тонна хирмонга пахта хирмонини бунёд этишмоқда. Пахта йигиртерим мавсумининг эса, албатта, ўз илғорлари бўлади. Пешқадамликда бири-бирдан ўзгаётган Хаёт Хайдар-

қулова, Шахноза Султонова, Наима Юлдашева, Шахло Норжигитова, Муҳайё Хўжақмедова, Меҳри Жумановалар кунига 150-160 килограммдан пахта териб, ҳам хирмонга барака киритмоқдалар, ҳам яхшигина даромадли бўлишар.

Анора ЖУМАДУЛЛОВ қиз.
Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат.

Ташаббус


Шу кунларда виллоятимиз бўйлаб «Оилага маърифат улашиб» номли акция қизгин давом этмоқда. Лойиҳанинг мазмуни шундаки, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга турли бадий ҳамда илмий-оммабоп китоблар ҳомийлик йўли билан бепул тарқатилади.

«ЎҒЛИМИЗ ШОҲИЖАҲОН КИТОБ ЎҚИЯПТИ...»

дейди оҳангаронлик Шахноза Усмонова

Оҳангарондаги 4-кичик туман, 11-а уй, 30-хонадонда истиқомат қилувчи Шохжиҳон Абдусоатов оилада учинчи фарзанд. Айни пайтда ҳудуддаги умумтаълим мактабда таҳсил олаётган болакай эндигина 9 ёшга тўлган. Мазкур акция доирасида туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Улугбек Нурбоев Шохжиҳон истиқомат қилаётган хонадонга бориб, юз-кўзларида биллима чанқоқлик, иштиёқ барқ уриб турган бу ўғлонга мутасаддиларнинг омонатини топширди. Бу омонат эса, маълумингиз — халқимиз ардоғидаги адибу олимларнинг туркум асарлари эди...

Тасодифни қарангки, китоб тарқатиш акцияси бўйича ташкил этилган ишчи гуруҳ аъзоларини кутиб олган хонадон бекаси Ш. Усмонова ҳозиргина эҳтиётсизлик оқибатида чирок ўчиб қолганини айтиб, узрхоқлик қилди. Мақсад-муддаомизни эшитган эса: «Мен



тушмагур кўққисдан чирокни ўчириб қўйсам-у, давлатимнинг ўзи уйма-ймага зиё юбориб турса, қандай саодат...», дея янада тўққинлашиб, жўшиб кетганча, қақажонларини чорлаб, уларни бизга бирма-бир таништира кетди...

Айтиш жоизки, туман ҳудуддаги 130 нафар оилани қамраб олиши режалаштирилган тадбирда туман ҳокимининг ўринбосарлари, МФЙ раислари, тадбиркорлар, тижорат банклари раҳ-

барлари фаол иштирок этди. Жами ўнта ишчи гуруҳ шу кунги уйма-йма, маҳаллама-маҳалла хонлиқ тарғиботи билан фаол шугулландилар. Шу кунги Оҳангарон марказида янги ташкил этилган Ойбек номли кутубхонага ҳам 12 миллион сўмлик янги китоблар тақдим этилди.

Баҳодур ҚОБУЛОВ, Мансур НАХАЛОВ (сурат) «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари.

Сайёр қабул

Ҳеч бир одам муаммо ва ташвишлардан ҳоли эмас. Шундай кезларда киши кимгадир суянгиси, ёрдам олгиси келади. Жуда бўлмаганда, йўл-йўриқ кўрсатадиганлар бўлса-ку, айни муддао...

НАТИЖА БЎЛМАГАН ЭДИ, АММО...

Президентимиз ташаббуси билан Халқ қабулхоналарининг ташкил этилиши одамларимизнинг мушкуллари осон қилди, десак тўғри бўлади. Қувонарлиси, ичимлик суви танқислиги, газ, электр таъминоти, транспорт қатнови каби аҳолини кўпдан буён қийнаб келаётган долзарб масалалар ҳам ўз ечимини топмоқда.

Виллоят Халқ қабулхонаси мудир Икбал Исабоев Ангрен шаҳрида ўтказган сайёр қабулда ҳам юқоридаги каби масалалар муҳокама этилди. Мурोजатларнинг адолатли, шу билан бирга қонуний ечими таъминланиши юзасидан мутасадди ташкилотларга топшириқлар берилди.

— Қўшим оғир бегоб, — деди фуқаро Лайло Миркамолова. — Унинг ўпқасини операция қилиш керак. Ордер олиш учун елиб-юғурдим. Фойдаси бўлмади. Турли сабабларни баҳона қилиб, мени қайтаришди. Аммо, бугун мурожаатим шу ернинг ўзида ҳал бўлди. Виллоят соғлиқни сақлаш бошқармаси вакили тегишли тартибда ёрдам кўрсатди.

Сайёр қабулда «Самарқў», «Соғлом», «Лашкарак» маҳаллаларида яшовчи фуқароларнинг фикрлари тингланди. Мавжуд муаммоларга ойдинлик киритиб, амалий қўмак берилди.

Ирода МАҚСУДОВА.

ҲАМКОРЛИҚДА ҲИҚМАТ КЎП

Давлатимиз раҳбарининг Тошкент виллоятига ташрифи чоғида ҳудуднинг туристик салоҳиятини ривожлантириш масаласи ҳам кўтарилган эди.

Туризм

Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш, виллоятимизнинг сайёҳлик салоҳиятини ривожлантириш мақсади билан Тошкент виллоят сайёҳлар оқимини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш сифатини юксалтириш, соҳада мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва ушбу вазифалар ижросини таъминлашда жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари масъулиятини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик

партияси виллоят кенгаши ҳамда Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ва Тошкент виллоят бўйича ваколатли вакиллари билан ҳамкорликдаги меморандумни имзолашга бағишланган тадбир ҳам мазкур йўналишдаги ишларни ривожлантириш мақсадида ўтказилди.

Партия фаоллари, Тошкент виллоят ҳокимининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари ҳам-

да давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган тадбирда сўзга чиққанлар ҳудуддаги барча маданий-тарихий мерос объектлари ҳамда кўриқхоналарга сайёҳларни жалб қилиш, туристик хизмат кўрсатиш соҳаси, миллий хунармандчиликни ривожлантиришнинг тарғиботини кучайтириш хусусида сўз юритишди.

— Виллоятнинг туризм салоҳиятини янада ошириш, янги иш ўринлари яратилишида мазкур ҳамкорлик юзасидан белгиланган чора-тадбирлар муҳим ўрин тутди, — дейди партия виллоят кенгаши раиси М. Назаров. — Давлатимиз раҳбари та-

шаббуси билан виллоятнинг тоғли ҳудудларида махсус «Меҳмон уйлари» — ни ташкил этиш юзасидан аҳоли билан ўтказилган мулоқотлар чоғида, мазкур лойиҳани амалиётга татбиқ этиш бўйича кўплаб тақдирлар ўрганилди.

Шунингдек, тадбирда туризм соҳасига кадрлар тайёрловчи касбхунар коллежларининг ўқув дастури, моддий-техник базасини ўрганиш, соҳа ривожига ҳисса қўиш истагини билдирган тадбиркорларга янада кенг шароит яратиш, меҳмонхоналар хизмати, жумладан, «Меҳмон уйлари» дан фойдаланиш лойиҳаси имкониятларини ўрганиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз.



Янгиликлар, хабарлар, таҳлилий-танқидий мақолалар билан газета-мизнинг интернетдаги манзили —

www.thtp.uz

орқали ҳам танишингиз мумкин.

Реклама ва эълонлар

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари эътиборига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Давлат кўчмас мулк объектларини тўғридан-тўғри музокаралар (оферта) йўли билан сотиш савдоларига таклиф этади.

№	Давлат объекти номи	Бинонинг умумий майдони (кв.м.)	Умумий ер майдони (га)	Объект манзили	Балансда сақловчи	Объектнинг бошланғич нархи (сўм)	Босқичма-босқич пасайтириш механизми қўллангандаги фонзи	Савдо куни 2017 йил 15 ноябрь соат 11.00 да*	Объектнинг сотиш қиймати (сўмда)
1	"Собиқ Давлатовул" ФАП биноси	141,6	0,014	Бўқа тумани, Туркистон ҚФЙ	Бўқа тумани ҳокимлиги	85 580 000,0	50	42 790 000,0	
2	Дўкон (31-сонли) биноси	162,45	0,016	Чиноз тумани, Эски Тошкент ҚФЙ, А. Темур ф/у	Тошвилоят таъминот савдо ДУК	62 871 000,0	50	31 435 500,0	
3	"Чойхона биноси"	173,72	0,017	Бўқа тумани, Ҳамза кўчаси	"Бўқа бош пиллаҳонаси" МЧЖ	58 388 000,0	50	29 194 000,0	
4	"Chirchiq Universal Plus" ДУК	—	—	Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 1-уйда жойлашган	"Chirchiq Universal Plus" ДУК	5 910 400,0	50	2 955 200,0	
5	"Бўстонлик таъминот савдо" давлат унитар корхонаси	1735,96	0,3563	Бўстонлик тумани, Ҳазалкент шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 14-уй	"Бўстонлик таъминот савдо" давлат унитар корхонаси	1 286 475 000,0	50	643 237 500,0	
6	"Собиқ 23-сонли мактаб бино ва иншоотлари	819,88	0,49	Бўқа тумани, Қашқадарё ф/у ҳудуди	Бўқа тумани ҳокимлиги	526 652 665,0	50	263 326 332,5	
7	Товоқсой иқтисодиёт ва тадбиркорлик коллежи "Нотурап бино"	1743,36	1,283	Бўстонлик тумани, Парғос ҚФЙ, Элбек кўчаси, 22-уй	Бўстонлик тумани ҳокимлиги	2 763 877 041,0	50	1 381 938 520,5	
8	"Нон заводи биноси"	1365,28	0,4847	Бўстонлик тумани, Ҳазалкент шаҳри	"Бўстонлик таъминот савдо" давлат унитар корхонаси	2 367 860 000,0	50	1 183 930 000,0	
9	"Собиқ болалар боғчаси бино-иншоотлари"	711,48	0,24	Куйи Чирчиқ тумани, Истиклол ҚФЙ, Беруний ФХУ, Нурбой ота қишлоғи	Куйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги	849 906 000,0	50	424 953 000,0	
10	"3-сонли терапия бўлими бино ва иншоотлари"	2983,52	3,3101	Куйи Чирчиқ тумани, Беруний массиви	Куйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги	1 258 074 000,0	50	629 037 000,0	

Олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари:

Оммавий оферта натижалари эълон қилинган санадан бошлаб, 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабдорлар давлат активи сотиш нархнинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан сотувчининг қўйидаги банк реквизитларига бошланғич тўлов пули сифатида тўлашлари лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг газначилик ҳисоб рақами: 20042186026266000000000002, ИНН 200555539.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош

бошқармаси ХККМ х/р: 23402000300100001010, 201122919, МФО 00014.

Оммавий оферта савдоларига қатнашишга буюртманома қабул қилиш, билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган оммавий оферта савдоси ўтказилишидан уч иш соати олдин таом бўлади.

* — Оммавий оферта савдоларини ўтказишнинг дастлабки куни 2017

йил 15 ноябрь ва офертанинг ҳар 15 кунда бир маротаба даврийликда бўлиб ўтадиган саналари 2017 йилнинг 30 ноябрь, 15 декабрь, 2018 йилнинг 2 январь, 17 январь ва 2 февраль кунлари соат 11.00 да ўтказилади.

Оммавий офертага қатнашиш учун савдо ташкилотчасига талабдор ёки унинг вакили оммавий оферта тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи

ёки почта орқали қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани тақдим этади:

1. а) **Юридик шахслар учун** — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

б) **Жисмоний шахслар учун** — паспорт нусхаси, ваколатли вакил оммавий офертада қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

2. Оммавий оферта тўғрисидаги билдиришномада сотувчининг кўрсатилган банк ҳисоб рақамига бошланғич тўлов пули сифатида тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

3. Елимлаб оғзи ёпилган иккита конвертга солинган, қўйидагиларни ўз ичига олувчи таклифлари:

— сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

— инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни қиритиш шакли, муддати ва шартлари (агар мавжуд бўлса);

— агар бу оммавий оферта шартларида белгиланган бўлса, қўшимча равишда талабдорнинг молиявий мустақиллигини ва (ёки) тегишли тармоққа олдин амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар киритилиши мумкин.

Такдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабдорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Мурожаат учун манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 230-41-73, 230-41-70.

E-mail: tashreg@gki.uz

Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Хурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!

Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (0-371) 230-41-81 рақами йишонч телефонларига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2146-сонли Фармойиши билан тасдиқланган "Академик лицей ва касб-хунардиректорлари танлаш ва тайинлаш тўғрисида"ги Низомга асосан қўйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган ДИРЕКТОР ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Т/р	Таълим муассасаси номи	Манзили
1	Юқори Чирчиқ транспорт ва иқтисодиёт касб-хунардиректорлиги	Юқори Чирчиқ тумани, Ўзбекистон ж/х, Хиббон кўчаси, 2-уй
2	Товоқсой иқтисодиёт ва тадбиркорлик касб-хунардиректорлиги	Бўстонлик тумани, Парғос қўрғони, Элбек кўчаси, 22-уй
3	Паркент агропрокат касб-хунардиректорлиги	Паркент тумани, Қорақалпоқ қишлоғи, Паркент кўчаси, 25-уй
4	Оҳангарон агропрокат ва иқтисодиёт касб-хунардиректорлиги	Оҳангарон тумани, Илғор қишлоғи
5	Ўрта Чирчиқ ахборот технологиялари ва сервис касб-хунардиректорлиги	Ўрта Чирчиқ тумани, Навоий ҚФЙ, "Янги ҳаёт" маҳалласи
6	Тошкент тумани хизмат кўрсатиш касб-хунардиректорлиги	Тошкент тумани, Масалбой ҚФЙ
7	Қўбрай тадбиркорлик касб-хунардиректорлиги	Қўбрай тумани, Май қишлоғи

Танловда олий маълумот (маданият ва спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги таълим муассасаларида академик лицей, Қўбнинг таълими йўналишларида камида биттаси ёки билим соҳаси бўйича олий маълумотли; таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стаж 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, Қўбнинг соҳа йўналишлари бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган мутахассислар иштирок этишлари мумкин. Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стаж талаб қилинмайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 июндаги "Хизматларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг аниқланган Классификаторини тасдиқлаш тўғрисида"ги 164-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунардиректорлиги, 2016 йил 25 июлдаги 210-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўрта махсус, касб-хунардиректорлиги"нинг тарихий тариф-малака маълумотномаси"нинг малака талабларига жавоб бериши керак.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 март кунин 1461-сонли давлат рўйхатидан ўтган "Ўрта махсус, касб-хунардиректорлиги"нинг тарихий тариф-малака маълумотномаси"нинг малака талабларига жавоб бериши керак.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 март кунин 1461-сонли давлат рўйхатидан ўтган "Ўрта махсус, касб-хунардиректорлиги"нинг тарихий тариф-малака маълумотномаси"нинг малака талабларига жавоб бериши керак.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 март кунин 1461-сонли давлат рўйхатидан ўтган "Ўрта махсус, касб-хунардиректорлиги"нинг тарихий тариф-малака маълумотномаси"нинг малака талабларига жавоб бериши керак.

Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосарлари:

1. Танловда агропрокат касб-хунардиректорлиги
2. Оқўрғон иқтисодий-иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-хунардиректорлиги
3. Тошкент кимё-технология институтини қўридаги Чирчиқ академик лицейи;
4. Аграр саноат ва хизмат кўрсатиш касб-хунардиректорлиги
5. Ўрта Чирчиқ агропрокат ва транспорт касб-хунардиректорлиги
6. Юқори Чирчиқ қишлоғи ва сервис касб-хунардиректорлиги
7. Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари:

а) ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига академик лицей, Қўбнинг таълими йўналишларида камида биттаси ёки умумтаълим фанлари бўйича олий маълумотли (маданият, спорт ҳамда тиббиёт соҳаси бундан мустасно) ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стаж 5 йилдан кам эмас. Илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган шахсларга иш стаж талаб этилмайди.

б) маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига иқтисодий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стаж 5 йилдан кам эмас. Илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган шахсларга иш стаж талаб этилмайди.

Илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган шахсларга иш стаж талаб этилмайди.

Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади.

1. Туман (шаҳар) ҳокимликларидан таъсис хати (директорлар учун);
2. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-хунардиректорлиги бўйича таълим муассасаси бошлиги номига ариза;
3. Сўровнома асли (сўровноманинг барча бандлари аниқ, тўлиқ ва қисқартирилган бўлиши керак);
4. Таржима ҳол (қўлзма);
5. Маълумотнома (саврака-объективка);
6. Меҳнат дафтарчасининг асли ёки нусхаси (қадрлар бўйича инспектор томонидан тасдиқланган ҳолда);
7. Диплом нусхаси (таълим олий таълим муассасаси томонидан дипломнинг ҳаққоний эканлигини ҳақиқатга яқин муҳр билан тасдиқланган маълумотнома);
8. Тиббий қўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотнома форма-086 асли;
9. ИИБдан маълумотноманинг асли;
10. Илмий даража ва унвонлар ҳақидаги ҳужжатлар нусхаси (уларнинг ҳаққонийлиги ҳақида тасдиқловчи ҳужжат);
11. Паспорт нусхаси;
12. Харбий гувоҳнома нусхаси (45 ёшгача);
13. 6 та фотосурат (3х4);
14. ИИН, пенсия жамағари борлигини дафтарча нусхаси;
15. Концепция (номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича иқтиёрий шаклда ёзилган режиси).

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Қўбрай тумани, Қорамурт кўчаси, 1-уй.

Маълумот учун телефон: 150-40-37.

"Respublika mulk markazi" МЧЖ "Toshkent mintaqaviy filiali" бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога, Тошкент вилояти Архитектура ва қурилиш бош бошқармасига тегишли, Тошкент вилояти ҳокимияти гаражида сақланган "Газ-3110" русумли, д/р. 01/537 НСА бўлган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз авто-транспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 3 744 444 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 6 ноябрь соат 11.00 да ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача

тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охириг мuddати 2017 йил 3 ноябрь соат 18.00 гача. Автотранспорт воситаси шу кун сотилма-са, тақрорий савдолар 2017 йил 13 ноябрь, 20 ноябрь кунлари соат 11.00 да ўтказилади. Аризалар қабул қилиш 2017 йил 13 ноябрь кундаги савдолар учун 10 ноябрь, 2017 йил 20 ноябрь кундаги савдолар учун 17 ноябрь соат 18.00 да ўтказилади. Талабдорлар закалат келишув шартномасини имзолаб, мулк бошланғич баҳоси-

нинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги ҳисоб рақами: 20210000300571452142, МФО 01036, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт. Савдо қўлибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.


Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 19-уй. Тел.: 233-28-52. Расмий сайт: www.rmm.uz. Гувоҳнома № 001805.

ОБ-ХАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 7 октябрь кунин Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳаво ҳарорати кечаси 5-7, кундузи 17-19 даража илқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳаво ҳарорати кечаси 5-10, кундузи 17-22 даража илқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳаво ҳарорати кечаси 3 даража совуқ, 2 даража илқ, кундузи 3-8 даража илқ бўлади.



21 октябрь – Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун олдида

Бир пайтлар "Ўзбек тили камбағал, унда иш юритиш, айнақчи, қонун ҳужжатларини тайёрлаш мумкин эмас", деган қарашлар қилини ясалганди. Ушунда, Абдулла Қодирий бобомиз: "Ўзбек тилини камбағал деганларнинг ўзлари камбағал", дея ўз фикрларини исботлаб бергандилар. Тилимиз тарихан бойлиги, зарифлиги нини буюк мутафаккир Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатин" асарида форсий тил билан қиёслаш орқали аниқ-тиниқ баён этган.

Ўтмишдан бугунга қайтиб, китоб varaқласак, алломи замон Эркин Воҳидов "Сўз латофати" асарида она тилимиз нақадар гўзаллигини кўлаб мисоллар билан далиллаган. Шунинг учун ўзбек тили имкониятлари ҳақида сўзлаш ортиқчадек, такрор туюлар. Аммо, шу кунда айтиб, кўрсатиб, курашмаса бўлмайдиган иллатлар урчишти, агар бугун уларга бепарво бўлсак, эртага тилимиз ғариблашиб қолиши мумкин.

Очиғи, кейинги пайтда кўча-кўйлардаги эълон-таҳталарда, баннерларда тез-тез кўзга ташланадиган имло хатоликлари кўникиб кетди. Хатоларнинг аксари "х" ва "ҳ" ҳарфлари билан боғлиқ. "Битта ҳарф хато кетса осмон узилиб ерга тушармиди", деганларга Алишер Навоий бобомиз "Маҳбуб ул-қулуб" асарида бежон нукта билан "ҳабис" "ҳабис"га айланишини таъкидлайди ва ҳукм ўқийди: "Ямон қотиб манзили қаламдонидек ҳоҳ аро бўлсун, қаламидек боши яро ва юзи қаро

бўлсун". Юзимизни қора қиладиган имловий хатолар телевидение, газета-журналлар ва ҳатто китобларда ҳам учраётгани фоят ранжитади, кишини. Масалан, Фёдор Достоевскийнинг жорий йилда "Янги аср авлоди" нашриётида чоп этилган "Жиноят ва жазо" романини ўқиб, хунобим ошди. Китоб-

ради? Инсонми? Ёки ўз-ўзидан ёзиб, нашр қилиб ташлайдими? "Янги аср авлоди" нашриётида чоп этилган "Қизил ва Қора" романида ҳам хатолар кам эмас. Жаҳон адабиётининг дурдоналариники устоз ноширлар бемалол шу тахлит хатолар билан чоп этса, бошқалардан нимаюм кутиш мумкин?

қоидасини бузиб, унинг маънавиятига катта зарар етказса-да, ҳеч ким жаримага тортилмайдиган. Устоз Абдулла Қаҳҳор: "Нега йўл қоидасини бузган кишига жарима солинади, тил қоидасини бузганга ҳеч қандай чора кўрилмайди", дея қайғурганлари бежиз эмас.

туриб ўз лаҳжаларида (расмий йиғинларда, экранда) гапирсалар катта микдорда жарима солишар экан. Биргина 2001 йилнинг январь ойдан август ойигача етмиш икки кишига (улар орасида фуқаролар, савдо ходимлари, турли тоифадаги амалдорлар) ўн беш минг крон микдорда жарима солишибди ва ундириб олишибди. Қандай яхши!

Бизда ҳам тил бўйича қарорлар чиққанми? Чикқан. Нима учун энди биз шу қонунга амал қилмаймиз? Бундан ташқари, атамалардан, янги ва эски архаик сўзлардан қандай фойдаланиш, уларни қандай қўллаш кераклигини назорат қилиб, борувчи махсус Атамалар қўмитаси ишлаб турибдими? Турбиди. Шунга қарамай, шунга қарамай...

Бизнингча, шу қонунни бизда ҳам қўллаш, шу қонундан бизда ҳам жорий этиш керак-ка ўхшайди.

Яна бир мулоҳаза. Пойтахтимиздаги аксар хусусий тўйхоналар, кафе ва рестороанлар, савдо дўконлари, фирмаларни хорижий атамалар билан номлаш урфа кирди. Дунё кураш майдонларида сайёрамиз аҳли "чала", "ёнош", "халол" каби ўзбекча сўзлаб турганда, биз ўз заминимизда тилимизга бепасанд бўлсак, эртага ҳолимиз не кечади? "Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз" яшашнинг охири вой! Шунинг учун бугун она тилимиз қондаларига муносабатимизни ислоҳ этишимиз зарур!

Шоира БОЗОРОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ЙЎЛ ҚОИДАСИ БУЗИЛСА – ЖАРИМА,
ТИЛ ҚОИДАСИ БУЗИЛСА-ЧИ?..

Ўртимиз тарихида унутилмас саналар кўп. Улардан бири, шубҳасиз, 21 октябрь – ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун. Ушбу санани мамлакатимиз мустақиллигининг маънавий дебоси ҳам дейиш мумкин. Аини байрамни муносиб нишонлаш мақсадида ҳар йили мактабларимизда 21 сентябрдан бошлаб ўзбек тили ойлиги ўтказилади. Шу боис, бу ойда она тилимизга одатдагидан кўпроқ эътибор қаратилади. Биз ҳам дилимиздаги фикр-мулоҳазаларимизни айнан мана шу паллада қоғозга кўчирдик.

да "ўтганлиш", "эиди", "гов-гум", "эсингиздами", "билмайман", "уларни", "олди", "чинакам" тарзида эллика яқин сўзлар хато ёзилган. Аслида юқоридаги сўзлар "ўтганлигини", "энди", "ғажум", "эсингиздами", "билмайман", "уларни", "олди", "чинакам" шаклида ёзилиши керак! Шундай пайтда компьютерда хато ўтган, деб айбларини хаспўшашади. Маскур баҳонани ёшлар ҳам ёдлаб олишган. Ҳаммасига инсоннинг ишини енгилаштирган бечора компьютер айбдор. Ахир ўша матоҳни ким бошқа-

Тасаввур қилинг, йўлда автотомобил бошқараётиб, чи-зиқни бехос босиб ўтдингиз. Буни йўл патруль хизмати ходими кўрса, албатта, тўхтатиб жаримага тортади. Ваҳоланки, бу хатти-ҳаракат билан сиз асфальтдаги чиқиқни ўчириб ташламадингиз, машинанинг филдирраги ҳам шикастланмади. Лекин, эътироз билдирмай, жарима тўлашга мажбурсиз. Чунки, йўл қоидасини буздингиз. Айтиб ўтилган ҳолатнинг ижтимоий хавфи деярли бўлмаслиги мумкин. Лекин, бутун бошли миллатнинг тил

Талабалик йилларимизда Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймоннинг "Тил – ўзгимизнинг, ўзлгимизнинг, ўзига бекалигимизнинг бош белгиси" номли мақоласини ҳаяжон билан ўқигандим. Ушунда жонкуяр устоз Эстонияда давлат тили бўйича махсус инспекция ташкил этилгани, унинг ходимлари давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилишини назорат қилиб боришини ёзганди: "Улар эстон тилини билмаган ёки яхши билмаган, бу тилда гапиролмаганларни учратса (иш жойларида) ёки эстон бўла

Табассумга мойил гаплар

Бу ҳангомани қаерда-дир ўқиганимди, эшитганимди, эсимда йўқ. Аммо, шахсан ўзим унга юз фоиз ишонман.

Биласиз, америкаликлар бокс "жинисини" бўлади. "Жанг"ни томоша қилиш учун минг қақирим нарига учиб боришдан эринмайди. Америкаликлар бойвачча бўлади. Ярим соатлик "мушлатув"ни кўришга минг доллар, икки минг долларни аяб ўтирмайди.

Қўнларнинг бирида дунёга донғи кетган икки боксчи "жанг" қиладиган бўпти. Гумбирлаган рекламалар қилинган. Неча юз минглаб долларлик патталар сотилган. Тагин неча миллионлик гаровлар ўртага қўйилган... Буни қарангки, "жанг"га бир соат қолганда боксчилардан бири кўрқиб, жуфтакни ростлаб қолибди...

БЎЛГАН ЁКИ...
БЎЛМАГАН ВОҚЕА

Албатта, уни суд қиладилар, жарима соладилар. Лекин, бу билан "жанг" ташкилотчиларининг дарди енгилашиб қолмайди-ку! Ҳаммаёқ тўс-тўполон бўл кетади, "фирма"нинг обрўси уч пул бўлиб, қасосда учрайди!

Минг томонга зир юғуриб, боксчи излайдиларки, қани энди нақ юз йилгирма килоли "дев" билан олишадиган мард топилса!

Бир маҳал қарашса, спорт саройи олдида дўпни кийган, қорачадан келган, чайиргина йигит ўтиб кетаётганмиш. "Ке, шунгама бир ялиниб кўрайлик, шояд жонимизга оро кирса", деб гапга солишибди.

– Мен ўзбекман, меники инглизча "но", – дебди йигит.

Америкаликлар табдиркор эмасми, дарров ўзбекчани биладиган таржимон топиб келишибди. Маълум бўлишча, боғи йигит Америкага сайёҳ бўлиб келган, шунчаки сайр қилиб, кўча айланиб юрган экан.

Худонинг зорисини

Уч раунд ўтибди, тўрт раунд ўтибди... Бир дақиқали танаффусда секундантлар ўзбекни елпиб ўтирган экан, таржимон ёнига келиб, маслаҳат берибди.

– Сен ҳам йўлига бўлсаям бир-икки мушт уриб қўй, ахир!

– Ие, мен ҳам урсам бўлаверадими? – дебди ўзбек.

– Албатта-да! – деган жавобни олибди-ю, кейинги раунд бошлангани билан барзангининг қоқ пешонасига чунонам мушт туширибдики, шўрлик шилқ этиб йиқилиб, ялпайиб қолибди. Қўли бу ёққа, оёғи у ёққа тарвақайлаб кетибди.

Ҳакам унинг устига эгилди, "бир", "икки", "уч", "тўрт" деб санаётган экан, ўзбек пастда ўтирган таржимонга тушутирибди.

– Санаб овора бўлмасин, барибир ўрнидан турмайди. Мен Зангиотдаги қасосбхонада ишлайман. Қасбим – кушонага кирган буқаларнинг бошига муштлаб, сулайтириш. Буюм ҳаром ўлиб қолмасидан пичоқ тортиб юбораверингла!

Ўткир ҲОШИМОВнинг "Дафтар ҳошиясидаги битиклар" китобидан олинди.

Ёшларимиз жаҳон сахналарида миллий маданиятимизни намойиш этаётган бир вақтда, таниқли санъаткорларимиз миллий мукафлатларимизни хор қилаётгани динни оғритади.

Хусусий телеканалларда бир неча ойдан буён хонанда Манзуранинг "Лазги" ашуласи клипи билан эфирга узатилмоқда. Каммига "MY5 TOP MUSIC" (1)да Манзуранинг "Лазги"си кучли бешталиқда эканига нима дейсиз?! Зеро, ундан томошабин бирорта ибратли нарсга топа олмайдик, қўйингки, завқланолмайди ҳам. Клипдаги қора кийимли раққослар миллий мукафлатимизга эмас, хориж қўшиқларига ўйнаётгандек. Хонанданинг ўзи-чи?!...

Ўзбекистон булбули, дея эътироф этилган Қомилжон Отаниёзовнинг "Лазги"си тинглаган кишига кўтаришқилик, хуш кайфият бағишлаши шубҳасиз. Умуман олганда, ҳақиқий "Лазги"ни эшитган одам роҳатланади, ҳатто рақсга тушиб кетади, дам олади. Бироқ, қалбда миллий ғурури бўлган инсон Манзуранинг ашуласини эшитиб, асабийлашади холос, асло кўнгли ёришмайди. "Шухрат" медали соҳиби Манзура ижро этган

«ИМПОРТНЫЙ» «ЛАЗГИ»ГА
ТОБИНГИЗ ҚАЛАЙ?

Халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб келган ўзига хос миллий маданияти бор. Бунинг исботини халқроқ мусиқий танловларда қилиб ва совриндор бўлиб қайтаётган ёшларимиз эришадиган ютуқларда ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, Бекобод туманидаги Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари ҳам қатор давлатларда бўлиб ўтган халқроқ танловларда миллий қуй-қўшиқларимизни ижро этиб, қилибдики қўлга киритишмоқда.

Мавзуга қайтиб

"Лазги"нинг фақатгина номиди "Лазги" бор. Ўзингиз тинглаб кўринг, ахир: ...Нозлари кўп қизман, Онамга эрқа қизман. Ўсма қўйиб қошима, Гузалиқда тенгсизман... Улганнинг устига тепган қилиб, ҳар-ҳар замонда "жоним мани", дейишига бало борми? Ахир, бу қўшиқни керак бўлса, хорижликлар ҳам эшитади-ку... Аслида қўшиқни яратилган олдин унинг сўзи тахлил қилиниши керакми? Ёки "Ҳамманики ўзига, ой кўринар кўзига" деганларидек, Манзура ўз қаламига мансуб ижод махсулини "бузиш"га қўзи қиймади-микан:

...Ўжарлигим била туриб, Ошиқ бўлар йигитлар... Болалигимдан эслайман, телевизорда янграган ҳар бир қўшиқнинг номи, шоир, бастакор ва хонанданинг исми-шарифи кўрсатилар эди. Балки, бу аънананинг йўқолишига ҳозирги қўшиқлар бир одам томонидан яратилган ҳам сабаб бўлаётгандир. Не бўлган тақдирда ҳам, бу аънани қайта тиклаш, йўлга қўйиш зарур. Ахир, қўшиқни эфирга узатишдан олдин хонанда телевидение ва радиода Бадийи кенгаширини руҳсатига эга бўлиши керакми? Балки, бундай кенгашлар бордир, бироқ унинг махжудлиги сезилмапти-ку...

Энди эфир юзини тақ-



дор ва такрор қўраётган Манзура ижросидаги "Лазги"нинг нақоратига ҳам диққат қилинг: Лазги, лазги, лазги, Хиром айла бу лазги. Лазги, лазги, лазги, Яйра, ўйна, бу лазги. Мухтасар айтганда, ёшларимизни миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга улкан аҳамият қаратаётган бугунги кунда бу каби мусиқаю клиплар ёшлар тарбиясига қандай таъсир кўрсатиши мумкин?..

Отабек ИСРОИЛОВ.



Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, соғлиқни сезиларли даражада яхшилаш учун ҳар кун бир қошиқдан асал истеъмол қилиш кифоя экан.

Асалнинг ўзи кифоя

Асал организмдан заҳарли моддаларни ҳайдаб чиқариш хусусиятига эга. Бундан ташқари, ушбу махсулот бактерияларга қарши курашиб, тери ҳолатини яхшилайдди. Озишни хоҳловчиларга ҳам асал тарқатилиши қўлай. Асал тарқатилиши йиғилган шаклар ширинликлардаги шаклардан фарқ қилади. Асал моддалар алмашинуви жараёнини тезлаштиради, бу эса вазнининг камайишига ёр-

дам беради. Унинг фойдали хилларида яна бири – холестерин микдорини камайтиради. Шунингдек, асал томирларни тозалайди. Унинг тарқатишдаги табиий шаклар юрак хуружнинг олдини олиши мумкин. Ўтказилган тажриба-лар табиий шаклар артериядаги ёғ ақралмалари микдорини тахминан 30 фоизга камайтиришини кўрсатди. Яъни, у атеросклероз, қон босимининг

ошиши ва жиддий юрак касалликларининг шаклланиши хавфини анча камайтиради.

Ҳар фойданинг бир зарари бор

Дам олиш кунлари асосий вақтимиз телевизор қаршида ўтади. Бу вақтни мазмунли ўтказишга ёрдам бериши мумкин, аммо унинг зарарли оқибатлари ҳақида биласизми?

Австралиялик олимлар телевизорни узуксиз томоша қилишнинг зарарли оқибатларини аниқлаш мақсадида текширув ўтказдилар. Тадиққотда 9 минг нафарга яқин одам қатнашди. Иштирокчилар уч гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳга икки соатдан камроқ, иккинчи гуруҳга 2-4 соат, учинчи гуруҳга эса тўрт соатдан ортиқ телевизор кўрадиган иштирокчилар киритилди.

Кўнгиллилар 12 йил давомида назорат қилинди. Бу вақт ичда организмдаги яллиғланиш туфайли содир бўлган 130 та ўлим қайд этилди. Тадиққотчилар икки соатдан ортиқ телевизор кўриш яллиғланиш хавфини оширишини аниқлашди. Маълумки, яллиғланиш даражаси кўплаб касалликлар,

жумладан, диабет, ақлий заифлик, паркинсон касалликлари вақтида ортади. Шунингдек, кўп телевизор кўрувчиларнинг илмий салоҳияти ҳам паст бўлиши аниқланди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.



Вилоятимиз футболчи қизлари "Яшил майдон маликалари" мусобақасининг республика финал босқичида голиб чиқди.

ЯШИЛ МАЙДОН
МАЛИКАЛАРИ

Мамлакатимизда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, қизларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун кенг шариот яратиш мақсадларига алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, футбол бўйича ҳаваскорлар ўртасида ташкил этилган "Яшил майдон маликалари" республика мусобақаси қизлар ўртасида футболни ривожлантириш, спортчиларнинг маҳоратини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Аънанавий турнир қоидасига кўра, иштирокчи жамоалар тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда минтақавий саралаш босқичида ўзаро беллашишди ва

голиб чиққан жамоалар Намангандаги финал ўйинларида майдонга тушди.

Тошкент вилояти терма жамоаси Гулистондаги саралаш беллашувида Тошкент шаҳри, Жиззах ва Сирдарё вилояти жамоаларини ортада қолдириб, гуруҳ голиби сифатида бош соврин учун курашда давом эттирди.

"Яшил майдон маликалари" республика мусобақасининг якуний босқичида футболчи қизларимиз Наманган, Хоразм, Самарқанд вилоятлари жамоаларини ортада қолдириб, мусобақани биринчи ўринда якунлади. Қолган совринли ўринлар самарқандлик ва наманганлик ҳаваскор футболчиларга насиб этди.

Ў. мухбиримиз.

ЧЕМПИОНЛИКНИНГ
МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛИ

Профессионал рингдаги кетма-кет ғалабалари билан мухлису мутахассислар ишончини қозониб келаётган бекободлик Олимпиада чемпиони Фазлиддин Ғоибназаров шу йилнинг 9 декабри кунини АҚШда тўртинчи жангини ўтказиши лозим.

Авалроқ, оммавий ахборот воситалари орқали бўлажак беллашувада ҳамюртимиз мексикалик Алексис Дел Боске билан жанг қилиши ҳақида маълумотлар тарқатилган эди. Бироқ кўп ўтмай, рақиб ўзгарди.

Энди Фазлиддин россиялик таниқли боксчи Андрей Климовга қарши рингга чиқади. Андрей ўз вақтида профессионал бокснинг WBC, WBA, IBF, WBO камарлари соҳиби

Теренс Кроуфорд билан ҳам куч синашган.

Мураббий Абдор Турсунпўлатовнинг айтишича, Андрей Климов билан бўладиган жанг ҳамоиртининг рейтинг жадвалида тез кўтарилишига хизмат қилади ва бу Фазлиддиннинг чемпионлик камарига даъвогарлар қаторига қўшилишини тезлаштиради.

Зоҳир ТОШЎҲАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Тақдимот

Мамлакатимиз раҳбарининг китоб махсулотларини нашр этиш ва китобхонлик маданиятини ошириш, янги китобларни тарғиб қилиш борасидаги фикрлари асосида пойтахтдаги "Китоб олами" маънавий-маърифий савдо мажмуасида китоб тақдимотлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

КИТОБАТ ОЛАМИДА
БИР НАФАС...

Шу кунларда таниқли ёзувчи Абусаид Қўчимовнинг "Бинафша" тўплами, Мунира Рамазонаниннг "Дориламон кунлар шукҳи", иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Қаландар Абдураҳмоновнинг "Ўзбекистонда инсон омили ва манфаатлари – энг олий қадрият" асари, шунингдек, Зиловатон Холиқованиннг "Сукунат малика-

си" номли шеърини тўпламлари мухлислар ҳукмига ҳавола этилди.

Тақдимотларда иштирок этган адабиёт оламининг жонқуярлари ушбу асарларнинг мазмун-моҳияти, ўқувчининг маънавий-маърифий оламини бойитишдаги аҳамияти хусусида атрофича фикр юритдилар.

Сайёра РАҲМОНОВА.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Файрат ШЕРАЛИЕВ

Маънавийлик:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
233-58-85 (факс)
233-70-10
233-79-96
233-12-83, 233-38-23, 233-48-08
233-81-21, 233-65-59
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январьда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета "Тошкент ҳақиқати" таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Набатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Назоратчи мусаҳҳиф
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУҲҲАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма V-193.

Адади 6 899.

Баҳоси келишилган нархда

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 23.00.